

Ўзбекистон Республикаси
Хоразм вилояти
Боғот тумани
НОКИМИ
ҚАРОРИ



Ўзбекистон Республикаси
Хоразм вилояти
Боғот тумани
ХОКИМИ
ҚАРОРИ

220200 Боғот шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Tel:31-52-807, faks:31-52-425

2020 йил « 4 » Март

№ 486а

Боғот шаҳарчаси

Нусха № 1

Фуқаро Сапаев Одамбой
Қутлимуротовичнинг турар жой
биносига бўлган эгалик ҳуқуқини
белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Нурли ҳаёт” маҳалласида яшовчи фуқаро Сапаев Одамбой Қутлимуротовичнинг “Нурли ҳаёт” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 8 февралдаги ХО-С-425-сонли аризасини, “Нурли ҳаёт” маҳалла фуқаролар йиғини маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2020 йил 7 февралдаги № 574-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролар кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Боғот тумани “Нурли ҳаёт” маҳалласида жойлашган 6 (олти) та хонадан иборат, яшаш хоналари 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 78,23 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 2 (икки)та бўлиб, ички ўлчами 72,19 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 150,42 квадрат метр, қурилиш ости майдони 197,82 квадрат метр, умумий ер майдони 1080,2 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Сапаев Одамбой Қутлимуротовичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.


2. Фуқаро Сапаев Одамбой Қутлимуротовичга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширишда Ўзбекистон

Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Сапаев Одамбой Қутлимуротовичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Матяқубов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



О.Холбоев